

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ МД – 5A220101- 2.01

2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “22” 01

**СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИДА ИХТИСОСЛАШУВ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 300 000 – Ижтимоий фанлар, ҳуқуқ ва бизнес  
Таълим соҳаси: 320000 – Журналистика ва ахборот  
Таълим йўналиши: 5A220101 – Журналистика (*спорт журналистикаси*)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчи:**

**Тошпўлатова Н.Қ.** –ЎзДЖТУ халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, ф.ф.н.

#### **Такризчилар:**

**Мелибоев А.** – ЎзМУ журналистика факультети “Матбуот” кафедраси доценти

**Каримов Ф.** – “Туркистон” – “Молодёж Узбекистана” газеталари ,ош муҳаррири

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## **КИРИШ**

“Спорт журналистикасида ихтисослашув” фани спорт журналистикаси йўналишида таҳсил оладиган талабаларга мўлжалланган бўлиб, унда ОАВ фаолиятида энг эҳтиёж катта соҳалардан ҳисобланган спорт журналистикасида ихтисослашувнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланади. Жаҳоннинг барча ривожланган давлатларида спорт ва спорт журналистикаси ривожланган бўлиб, бу борада муайян илмий назариялар, амалий тажрибалар тўпланганки, уларни ўрганиш бўлғуси спорт журналистлари, қолаверса бу соҳада илмий-тадқиқот олиб боришни мақсад қилган мутахассис учун жуда муҳим. Шу маънода, мазкур фан дастурида жаҳон ва Ўзбекистон журналистикасида спорт журналистикасининг пайдо бўлиши ва ривожланиш, спорт воқеаларнинг ёритишда журналистиканинг ўрни ва аҳамияти, жаҳон спорт турларининг тараққий этишида спорт журналистикасининг ижтимоий роли, спорт йўналишидаги ОАВнинг фаолият турлари ва уларга журналистлар ихтисослашувининг аудиторияни ахборот бўлган эҳтиёжини таъминлашдаги самарадорлиги масалалари ўргатилади.

### **Фаннинг мақсади ва вазифалари**

“Спорт журналистикасида ихтисослашув” фанининг асосий мақсад - спорт йўналишида таҳсил олаётган магистр – талабаларда ҳозирги замон спорт журналистикасининг тараққиёт тенденциялари билан таништириш, жаҳон спорт журналистикасида спорт ва унинг турларини ёритишга ихтисослашган журналистлар фаолияти йўналишларини аниқлаш борасида касбий малака ва кўникмаларни ҳосил қилишдир.

Фаннинг вазифалари – уни ўрганувчиларга:

- спорт журналистикаси турлари ва спортга ихтисослашган ОАВ фаолиятининг замонавий жамиятда ахборот самарадорлигини таъминлашдаги ўрни ҳақидаги билимларни тизимлаштириш;
- спорт ва унинг турларига ихтисослашган ОАВ фаолиятини тадқиқ этиш, уларда асосий спорт воқеаларини ва жисмоний тарбия борасида олиб борилаётган ишларни ёритиш усулларини ўрганиш;
- спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш борасидаги амалий кўникмаларга эга бўлиш;

- спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларидаги фаолиятини ўрганишдан иборат.

### **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар**

“Спорт журналистикасида ихтисослашув” фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр:

- спорт журналистикаси тушунчаси, жаҳонда ривожланган спорт турлари ва уларни ёритишга ихтисослашиш спорт журналистикаси муҳим талабларидан эканлиги;
- спорт журналистикасида ихтисослашиш тушунчасининг замонавий жамиятдаги ўрнини тизимлаштириш;
- спорт ва унинг турларига ихтисослашган оммавий ахборот воситаларининг фаолияти мезонлари;
- спорт мавзусини ёритилишига кўйиладиган талаблар;
- ихтисослашаган спорт ОАВ ҳамда спорт журналистларининг жисмоний тарбия ва спорт мавзусини ёритиш усуллари;
- спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш;
- спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларидаги фаолияти ҳақида *тасаввурга эга бўлиши керак*;
- спорт журналистикасида ихтисослашиш тушунчаси ва унинг моҳиятини аниқлаш;
- спорт соҳаси, спорт мавзулари ва спорт турларини ёритишда ихтисослашувнинг аҳамияти ва унинг замонавий жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларини қўллаш;
- спорт ва спорт турларига ихтисослашган оммавий ахборот воситалари фаолиятини татқиқ этиш;
- спорт мавзусини ёритиш усуллари қўллай билиш;
- спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш;
- спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларида фаолияти кўрсатиш *кўникмаларига эга бўлиши керак*;

- спорт журналистикасида ихтисослашув ва унинг замонавий жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларини тизимлаштириш;

- спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва уларда асосий спорт воқеаларини ҳамда жисмоний тарбия борасида олиб борилаётган ишларни ёритиш;

- спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш;

- спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларидаги фаолиятини амалга ошириш борасида *малакаларига эга бўлиши керак.*

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлиги**

“Спорт журналистикасида ихтисослашув” журналистика (спорт журналистика) мутахассислиги бўйича асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган “Публицист маҳорати”, “Матбуот интернет тизимида”, “Халқаро спорт шарҳи”, “Журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асослари”, “Босма ва электрон ОАВнинг замонавий тараққиёт тамойиллари” каби фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Спорт журналистикасида ихтисослашув тушунчасини аниқлаш, спорт журналистикаси асослари ва унинг замонавий жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларини қўллаш, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва уларда асосий спорт воқеаларини, жисмоний тарбия борасида олиб борилаётган ишларни ёритиш усуллари қўллай билиш, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш, спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларида фаолият юритишни билиш ва амалиётда қўллай билиш билан боғлиқ. Шунинг учун ушбу фан асосий ихтисослик фани бўлиб, ишлаб чиқариш тизимининг ажралмас соҳаси ҳисобланади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

“Спорт журналистикасида ихтисослашув” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги ахборот –

педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон ва видео материаллар, виртуал моделлар, кўргазмали қуроллардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни**

#### **Фаннинг мақсад ва вазифалари. Спорт журналистикасининг методологик асослари**

Фаннинг мақсади ва вазифалари. Журналистикада ихтисослашув тушунчаси. Спортга ихтисослашган ОАВ ва уларнинг ахборот самарадорлигини таъминлашдаги ўрни. Спортга ихтисослашган замонавий ОАВ типологияси. журналистларни тарбиялашдаги роли. Бугунги кунда миллий матбуот, хусусан спортга йўналтирилган босма ОАВнинг оммани спортга интилишини кучайтириш, ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва роли.

#### **Жаҳон спорт журналистикасининг тараққиёт тенденциялари**

Жаҳонда спорт журналистикаси пайдо бўлишининг тарихий зарурати. ОАВ демократлашуви ва либераллашуви жараёнларининг спорт тараққиётига таъсири. Ахборот алмашинуви жараёнларида рақобатнинг кучайиши спорт журналистикасининг шаклланишида муҳим омил эканлиги.

#### **Анъанавий журналистикада спорт мавзусига ихтисослашиш масалалари**

Матбуотда махсус спорт саҳифаларининг пайдо бўлиши. Жаҳон матбуотининг етакчи нашрларида спорт саҳифаларининг ташкил этилиши. Аудиториянинг спортга мусобақаларига бўлган қизиқишининг ортиши. Жаҳон матбуотида дастлабки спорт нашрларининг юзага келиши.

#### **Ўзбекистон матбуотида спорт нашрларининг пайдо бўлиши**

Ўзбекистон матбуотида спорт мавзусининг ёритилиши. “Ўзбекистон физкультурачиси” газетаси Ўзбекистонда биринчи спортга ихтисослашган нашр сифатида. Газетанинг республика спортини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти. Дастлабки спортга ихтисослашган журналистлар ва улар фаолиятнинг асосий мезонлари.

## **Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин спорт соҳасига бўлган эътиборнинг кучайиши. Спортни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. Спортга йўналтирилган матбуот органлари типологик белгилари тўғрисида умумий маълумот. Нашр типологиясини шакллантирувчи асосий омиллар мазмуни. Спортга ихтисослашган нашрларнинг пайдо бўлиши, “Спорт” газетаси ва унинг Ўзбекистон спортини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти.

## **Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида спорт ва миллий матбуотимизнинг тараққиёти масалалари талқини**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида мамлакатда спорт ва ўзбек миллий матбуотининг ҳозирги даврдаги тараққиёти мазмуни ҳақида. Ўзбекистонда спортга ихтисослашган ОАВ тараққиёти ва уларга қўйиладиган давлат талаблари

## **Ўзбекистон Республикасида спорт журналистикасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонуни (янги таҳрир) (2000 йил, 26 май), “Ўзбекистон Республикасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ЎзР ВМ қарори (31.10.2002), Ўзбекистон Республикасида спортни ривожлантириш борасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар. “ОАВ тўғрисидаги”ги, “Журналист фаолиятининг кафолати тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва принциплари тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги, “Муаллифлик ва туржой ҳуқуқлар тўғрисида” ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг спорт нашрларини ривожлантиришда туганган ўрни.

## **Ўзбекистонда спорт журналистикасида ихтисолашувнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий аҳамияти**

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда спорт журналистикасининг аҳамияти. Спортга ихтисослашган ОАВ вужудга келишининг ижтимоий-иқтисодий илдизлари. Спорт журналистикаси асослари ва унинг замонавий жамиятдаги ўрни, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш.

## **Спортга ихтисослашган хорижий ОАВ таснифи**

АҚШ, Россия, Европа ва Осиё мамлакатлари спорт ОАВ таснифи. Спорт ва спорт турларига ихтисослашган ОАВ типологияси. Спорт ОАВнинг умумий ва ўзига хосликлари. Спортга ихтисослашган ОАВнинг аудиторияни ахборотга бўлган эҳтиёжини қонлиришдаги иштироқи.

### **Замонавий матбуотда спортга йўналтирилган босма ОАВнинг таснифи**

Замонавий матбуот тизимида спортга йўналтирилган босма ОАВнинг таснифи: анъанавий газеталарда спорт саҳифаларининг ташкил этилиши, спорт йўналишидаги республика ва ҳудудий нашрларнинг пайдо бўлиши, спорт турларига ихтисослашган хусусий нашрларнинг пайдо бўлиши спорт журналистикасида рақобат муҳитини яратишнинг муҳим омили сифатида.

### **Электрон ОАВ воситаларида спорт журналистикасининг ўрни ва аҳамияти.**

“Спорт” каналининг ташкил этилишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамияти. “Спорт” каналида ихтисослашув масалалари. Интернет журналистикасида спортга ихтисослашган сайтларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг аудиториянинг спорт мавзусидаги ахборот билан таъминлашдаги иштироқи. Спортга ихтисослашган электрон ОАВнинг асосий функциялари ва тамойиллари. Фуқаролик журналистикаси спортга ихтисослаштирилган журналистиканинг замонавий кўриниши сифатида.

### **Спорт ва спорт турларига ихтисослашган журналистларни етиштириш қўйиладиган замонавий талаблар**

Спорт журналисти фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Спорт турларига ихтисослаштирилган долзарблиги. Спорт журналисти фаолиятининг методикаси: мавзу танлаш, ахборот йиғиш, материал устида ишлашга қўйилдиган талабларнинг. Спорт журналистларни аккредитациядан ўтказиш турлари (ОАВ ҳузурида ва алоҳида спорт мусобақаларида).

### **Спорт журналистикасига ихтисослашишда жанрларнинг аҳамияти**

Спорт мавзусида ёзишнинг ўзига хослиги. Спорт мавзуларин ёритишда жанрларнинг аҳамияти. Спорт йўналишида янгилик тайёрлаш. Инфотайм ва финишининг ўзига хослиги. Спортда интервьюнинг ўрни. Репортажини шакллантириш усуллари. Материал тайёрлашда йўл қўйилдиган хатолар.



Спорт йўналишидаги муаммоли ва таҳлилий мақола ёзиш. Спорт мавзусини ёритишда очерк жанрини аҳамияти.

### **Спорт шарҳловчиларини тайёрлашнинг долзарб масалалари**

Спорт шарҳловчиси ихтисослашган журналист сифатида. Спортга ихтисослашган журналист касби махсус билимлар, малака ва хусусиятлар тақозо этувчи меҳнат тури сифатида. Спорт шарҳловчига қўйиладиган замонавий талаблар: ижодий қобилият, компетантлик. Дунёқарашнинг кенглиги, лўнда, ёрқин, тушунарли ёза билиш; долзарблилик, холислик. Топқирлик, хушёрлик, чидамлилик, мардлик, шароитни тезда баҳолай олиш.

Спорт турларига ихтисослашган шарҳловчиларнинг касбий компетенцияси. Шарҳловчилик маҳорати. Спорт шарҳловчиларининг тили ва услуги.

### **Спорт федерацияларининг матбуот хизмати ва спорт мусобақаларида ахборот ва матбуот хизматлари фаолиятида ихтисослашувнинг аҳамияти**

Халқаро матбуот хизматлари фаолияти. Спорт федерациялари матбуот хизматининг вазифалари. Матбуот хизматларининг спорт мусобақаларини ташкил этиш ва олиб боришдаги асосий йўналишлари. Журналистлар аккредитацияси. Спорт журналисти учун медиа-кит тайёрлаш. Матбуот-релизига қўйиладиган асосий талаблар.

### **Спортга ихтисослашган журналистларининг фуқаролик масъулияти ва журналист этикаси**

Спорт босма ОАВи аудиторияси. Аудитория ва қаҳрамонлари олдида спорт журналистининг фуқаролик масъулияти. Спорт журналистининг касбий маҳорати ва этикаси. Бразилия, Россия, Буюк Британия спорт кодекслари, Бутунжаҳон антидопинг кодекси, Халқаро спорт арбитражи кодекси. Спорт журналистининг имиджи.

### **Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати**

1. Фаннинг мақсади ва вазифалари. Унинг спортга ихтисослашган журналистларни тарбиялашдаги роли.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида спорт ва миллий матбуотимизнинг тараққиёти масалалари талқини.
3. Ўзбекистон Республикасида спорт ва спорт журналистикасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари мазмуни.

4. Спорт журналистикасининг юзага келишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий илдизлари.
5. Хорижий спорт нашрлари таснифи
6. Замонавий матбуот тизимида спортга йўналтирилган босма ОАВнинг таснифи
7. Ўзбекистондаги спорт нашрлари тизимида бозор иқтисодиёти. ислохотларининг таъсири орқали юзага келувчи янги типологик тасниф.
8. Спорт журналисти фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.
9. Спорт федерациялари ва уларнинг веб сайтлари.
10. Спорт журналистикаси жанрлари.
11. Спорт мавзусида тайёрланадиган материалларнинг тили ва услуби
12. Спорт шарҳловчисининг касбий маҳорати
13. Спорт журналистикаси тамойиллари ва спорт йўналишидаги босма ОАВда фаолият юритаётган журналистларга қўйиладиган талаблар.
14. Спортга ихтислашган журналист имиджи.
15. Ихтисослашган спорт журналистининг касбий ахлоқи ва масъулияти

### **Семинар машғулотларни ташкил қилиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотларда магистратура талабалари томонидан ҳозирги замон спорт журналистикаси асосларини ўрганиш, таҳлил қилиш, улар асосида фан доирасида спорт журналистикаси бўйича амалий кўникмаларини ҳосил қилиш ҳамда ўзлаштирилган билимлар асосида ўзлари амалиёт ўтаётган спорт йўналишидаги босма ОАВлар фаолиятини ўрганиш.

#### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

#### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши ўқув режада кўзда тутилмаган.

#### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;

- матбуот материаллари билан ишлаш, уларни таҳлил қилиш, шарҳлаш;
- фан доирасида ўз ижодий чиқишларини таъминлаш;
- матбуот органлари типологиясини ўрганиш, таҳлил қилиш,
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- янги техника ва технологияларни ўрганиш;
- талабанинг ўқув – илмий – тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланадиган машғулотларга тайёрланиш.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билиминини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

#### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Спорт журналистикаси – профессионал журналистиканинг таркибий қисми сифатида.
2. Спорт журналистикасида ихтисослашувнинг аҳамияти.
3. Замонавий жамиятда спорт журналистикасининг тарбиявий аҳамияти.
4. Спортга ихтисослашган журналистининг профессионал маҳорати ва фуқаролик масъулияти.
5. Спортга ихтисослашган ОАВ типологияси
6. Спорт журналисти фаолияти турларининг тузилиши.
7. Спорт журналистикаси фаолиятини таъминловчи касбий ўзига хосликлар.
8. Спорт журналистлари тайёрлайдиган материаллар системаси.
9. Спортнинг ривожланиши тарихи ва эришган ютуқлари.
10. Замонавий ва оммавий жисмоний тарбия ҳаракатлари.
11. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ташкил топиши тарихи ва унинг фаолияти асослари.
12. Халқаро спорт уюшмаларининг журналлари, ахборотномалари ва бошқа нашлари.

13. Спортга ихтисослашган телеканаллар фаолияти.
14. Ўзбекистонда биринчи спорт нашри.
15. Спортга ихтисослашган нашрларда журналистлар фаолиятининг ташкил этилиши.
16. Спортга ихтисослашган интернет сайтлари.
17. Омманинг “умумий қизиқишлари”га қаратилган ОАВ нашрлари ва тахририятларда спорт бўлимларининг тузилиши ва фаолияти мезонлари (Ижтимоий-сиёсий, тармоқ, ихтисослашган спорт нашрлари, каналлари) (миллий ва халқаро тажриба: қиёсий таҳлил).
18. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган спортга ихтисослашган нашрлар.
19. Журналистнинг спорт соҳасига ихтисолашувини ташкил этиш ва унга қўйиладиган талаблар.
20. Спорт мавзуларини ёритишга материаллар йиғиш методикаси.
21. Спорт журналистикаси жанрлари.
22. Спорт журналистларининг хизмат сафарларидаги фаолияти.
23. Спорт журналистларини аккредитация қилиш ва аккредитация турлари.
24. ОАВда спорт тадбирларини ёритиш ва унга қўйиладиган талаблар.
25. Спортда эришилган юксак натижаларни ОАВда ёритиш.
26. Спорт журналисти чиқишини тасвирга олиш.
27. Радиода тўғридан-тўғри эфирга чиқиш.
28. Телевидениеда тўғридан-тўғри эфирга чиқиш.
29. Спорт журналистининг нутқ маданияти.
30. Замонавий спорт шарҳлари ва унга қўйиладиган талаблар.
31. Спорт журналистининг интервью олиш маҳорати.
32. Мусобоқаларни ёритиш ва унга қўйиладиган талаблар.
33. Олимпиада ўйинлари ва халқаро мусобақаларни тўғридан-тўғри трансляция қилиш.
34. Спорт мусобоқаларида ахборот хизматини ташкил этиш.
35. Кенг кўламли спорт мусобақаларини ташкил қилишда пресс-релиз ёзишга қўйиладиган талаблар.
36. Спорт журналистикаси “афсона”лари.

37. Спорт журналистининг таҳлилий, танқидий ва суриштирув материалларини тайёрлашга қўйиладиган талаблар.
38. Спорт ихтисослашган ОАВнинг аудитория билан ишлаши.
39. Спорт янгиликларини тайёрлашда ўқувчилар, тингловчилар ва томошабинлар билан қайта алоқани йўлга қўйиш усуллари.
40. Спорт журналистининг жамаотчилик кенгашлари ва кўнгиллилар билан ишлаш усуллари.
41. Дарвий нашрларда “омма қизиқишлари”га мос спорт мавзулари устида ишлаш.
42. Спорт шарҳловчиси колонкаси.
43. Спортчилар ва спорт клублари ҳақида “буюртма” материаллар тайёрлаш.
44. Спорт ОАВга ҳомийлик масалалари.
45. Жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришда спорт ОАВ ва жамаотчилик билан алоқалари(ПР) хизматининг ҳамкорлиги.
46. Салоҳиятли спорт ишқибозлари билан алқаларни шакллантириш спорт журналистикасининг муҳим вазифаси сифатида.
47. Спорт репортажларида статистик маълумотлардан фойдаланиш усуллари.
48. Спорт мусобақларида рекламанинг ўрни.
49. ОАВ ёрдамида спорт хизматларини реклама қилишнинг характерли жиҳатлари.
50. Спорт корреспонденциясида текширилмаган фактлар ва миш-мишларнинг ўрни.

### **Дастурнинг инфор­мацион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- Спорт журналистикасида ихтисослашув ва унинг таркиби бўлимига тегишли маъруза дарсларида маъруза матнлари ва электрон ресурслардан;
- амалий машғулотларда, хусусан, спорт ОАВда фаолият олиб борадиган журналистларнинг касбий масъулиятининг амалий жиҳатларини ўрганишда таълим технологияларидан, амалий иш ўйинларидан;
- Ўзбекистон Республикасида спорт соҳасига оид давлат сиёсати ва уни ОАВда ёритишга тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Корконосенко С.Г. Основы журналистики - СПб.: СПбГУ, 2002.
2. Мельник, Г.С. Основы творческой деятельности журналиста / Г.С. Мельник, А.Н. Тепляшина. – СПб., 2004.
3. Общение в журналистике : секреты мастерства. – СПб., 2005.
4. Основы творческой деятельности журналиста : учебник / ред.-сост. С.Г. Корконосенко. – СПб., 2000.
5. Почепцов, Г.Г. Информационные войны / Г.Г. Почепцов. – М. : Рефл-бук, Ваклер, 2001.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Авраамов, Д.С. Профессиональная этика журналиста : учеб. пособие / М. : Изд-во Московского гос. ун-та, 1999.
2. Пронина, Е.Е. Психология журналистского творчества / Е.Е. Пронина. – М.: Изд-во Московского гос. ун-та, 2003.
3. Яковлев, И.П. Современные теории массовых коммуникаций / И.П. Яковлев. – СПб, 2004.
4. Имомхўжаев А. Мафтунингман футбол! – Тошкент.: 2007.
5. Ким, М.Н. Технология подготовки журналистского произведения / М.Н. Ким. – СПб. : Изд-во В.А.Михайлова, 2001.
6. Кузнецов, Г.В. Так работают журналисты ТВ / Г.В. Кузнецов. – М. : Изд-во Московского гос. ун-та, 2004.

### **Интернет сайтлари:**

1. vitaweb.jino-net.ru.
2. www.journalism.ru
3. www.citforum.ru.
4. www.case.nnov.ru.



